




TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI

20

ИБРАГИМОВ Ф.Ф.




ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ
АСОСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ
КОРХОНАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ
ВА РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

Монография

«IQTISODIYOT»

ИРУ


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЙТ УНИВЕРСИТЕТИ



Ибрагимов Ғанижон
Файратович

ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ АСОСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ
САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ
ВА РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

Монография



ТОШКЕНТ
«ИҚТИСОДИЙТ»
2023

УЎК: 658.338.45:664 (575.1)

КБК: 65.291+65.305.7

Ибрагимов Ф.Ф. «Трансформациялаш асосида озиқ-овқат саноати корхоналарининг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш». Монография. – Т.: «IQTISODIYOT», 2023. – 198 б.

Ушбу монографияда иқтисодиётдаги трансформациялаш жараёнлари нинг илмий-назарий асослари ёритилган, трансформация жараёнларини амалга оширишнинг озиқ-овқат саноати корхоналарининг самарадорлигини оширишга ва ракобатдардошлигини таъминлашга таъсири илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Монографиядан олий ўкув юртларининг иқтисодий йўналишлари-даги талабалари ва профессор-ўқтиувчилари, илмий тадқиқотчилар, озиқ-овқат саноати корхоналарининг раҳбарлари ва иқтисодчилари, трансформация жараёнларини ўрганувчи мутахассислар ва шу соҳага кизикувчилар фойдаланишлари мумкин.

Масъул мұхаррір:
и.ф.д., проф. Ш.И. Мустафақулов

Тақризчилар:
и.ф.ф.д.(PhD), доц. Б.Н. Ўринов
и.ф.ф.д.(PhD), доц. Н.И. Рустамов

*Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети Илмий Конгаси
қарорига асосаннашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9910-9695-0-8

© «IQTISODIYOT», 2023.

© Ибрагимов Ф.Ф., 2023.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ АСОСИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1. Озиқ-овқат саноатининг ривожланиши ва унинг республика саноатида тутган ўрни	8
1.2. Озиқ-овқат саноатини трансформациялаш жараёнларининг мазмуни ва уни амалга ошириш йўналишлари.....	20
1.3. Ракамли трансформация-озиқ-овқат саноати корхоналари самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида	33
1.4. Иқтисодий самарадорлик ва озиқ-овқат саноати корхоналарида уни ҳисоблаш услубиёти	43
II БОБ. РАҶОБАТБАРДОШЛИК ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА УНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ	61
2.1. Корхоналар ракобатбардошлигини таъминлаш ва раҷобат стратегия-ларини амалга оширишнинг устувор йўналишлари	61
2.2. Озиқ-овқат саноати корхоналарининг ракобатбардошлигини ошириш стратегиялари	79
2.3. Озиқ-овқат саноати корхоналарини трансформациялаш асосида ракобатбардошлигини ошириш йўналишлари	86
III БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИНГ ХОЗИРГИ ҲОЛАТИ.....	98
3.1. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати ривожланишининг асосий тенденциялари	98
3.2. “Когон ёр экстракция заводи” акциядорлик жамиятида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили	111
3.3. “Когон-ёғ экстракция заводи” акциядорлики жамиятининг қимматли қоғозлари таҳлили ва корхонани бозор механизмлари асосида бошқаришни такомиллаштириш йўллари	126

IV БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	138
4.1. Озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулот сифатини такомиллаштириш орқали санарадорликни ошириш йўллари	138
4.2. Озиқ-овқат саноатида трансформация дастури ва стратегиясини самарали амалга ошириш чора-тадбирлари	148
4.3. “Коғон ёғ экстракция заводи” акциядорлик жамияти мисолида озиқ-овқат саноати корхоналарида рақобат стратегияларни қўлаш ва рақобатбардошликни оширишнинг устувор йўналишлари	159
4.4. Озиқ-овқат саноати корхоналарининг ривожланиш тенденцияларини прогнозлаш	168
ХУЛОСА	179
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	182
ИЛОВАЛАР	190

КИРИШ

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни трансформациялаш ва улар фаолиятини тақаомиллаштиришда экологик ва инновацион ривожлантириш талабларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Иқтисодий фаол аҳолининг 60 фоизи ўтиш даври иқтисодиёти бўлган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаши, ривожланган давлатларда билимларни янги комбинациясидан фойдаланиш имконияти орқали ишлаб чиқаришда бандлиги билан хусусиятланади. Бу эса меҳнат натижадорлиги ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши, трансформация жараёнлари ва ишловчиларнинг даромадлари ўсишига катта таъсир кўрсатади”¹. Шу жиҳатдан бугунги кун мураккаб таъминот занжирларига боғлиқ озиқ-овқат саноатини трансформациялаш негизида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларига объектив зарурат сифатида қаралмоқда.

Дунёда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни экологик ва инновацион талабларга мувофиқ трансформациялаш, унинг сарамадорлигини ошириш, шулар билан бир қаторда ижтимоий самарани оширишга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада соҳанинг асосий хомашё базаси бўлган қишлоқ хўжалигини саноат ишлаб чиқариши билан уйғун ҳолда ривожлантириш, маҳсулот сифатини “ишлаб чиқариш - хизмат кўрсатиш - жараёнга оид бошқа объекtlар” доирасида яхлит жараён сифатида амалга ошириш ҳамда ички сифат назоратини ташкилий-услубий жиҳатдан такомиллаштириш каби йўналишларда илмий изланишлар устувор даражада бажарилмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга кенг эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъмин-

¹Industrial Development Report 2016. Sustaining Employment Growth: The Role of Manufacturing and Structural Change. Vienna, Austria. 2013. <http://www.unido.org>.

лашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етишириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда “даладан дўконгача” бўлган узлуксиз занжирни яратиш ҳисобланади”².

Ўзбекистонда саноат ривожланиб, турли мулкчилик шаклларидағи кўплаб саноат корхоналари барпо этилмоқда. Мамалакатимизда бозор ислоҳотларининг чуқурлашиб бориши билан саноат корхоналарининг самарадорлиги ошиб, тармоқда янги ишчи ўринлари яратилмоқда ва аҳоли кўпроқ даромадга эга бўлиб, турмуш даражаси яхшиланиб бормоқда. Республика саноатининг тармоқ тузилмасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўзига хос ўрни бўлиб, ушбу саноат тармоғи бугунги кунда аҳолининг кенг турдаги истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда.

Бугунги куннинг объектив аҳамиятга эга вазифаларидан бири озиқ-овқат саноатида трансформация жараёнларини амалга ошириш орқали тармоқ корхоналари фаолиятини такомиллаш-тириш, самарадорлигини ошириш, корхоналарнинг рақобатбардош-лигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва корхона-ларнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўлиб ҳисобланади. Тармоқ корхоналарида трансформациялаш жараёнларининг самарали амалга оширилиши албатта корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги ва уларнинг рақобатбардошлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Мазкур устувор йўналишлар озиқ-овқат саноати корхоналарида трансформация жараёнларини амалга оширишнинг корхоналар самарадорлиги ва рақобатбардошлиги ошишига таъсирини илмий асослашни, корхоналари самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишнинг услубий жиҳатдан ёритишни талаб этади. Мазкур монографияда баъзи таҳлил жараёнларини амалга оширишда ва натижаларни баҳолашда Бухоро вилоятидани

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

етакчи озиқ-овқат саноати корхоналаридан бири ҳисобланган “Когон ёғ экстракция заводи” акциядорлик жамиятининг ҳисобот маълумотлари ва ишлаб чиқариш жараёнларидан ҳолатлардан, уларнинг амалий фаолияти натижаларидан фойдаланилди.

Шулардан келиб чиқиб, ушбу монографияда озиқ-оақат саноати корхоналаридан трансформация жараёнларининг корхоналар самарадорлигини оширишга ва рақобатбардошлигини таъминлашга таъсири илмий жиҳатдан ёритишга ҳаракат қилинган ва бу ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

І БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ АСОСИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Озиқ-овқат саноатининг ривожланиши ва унинг республика саноатида тутган ўрни

Мамлакатимизда инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини оширишга устувор йўналишлардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганлариdek: “Халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратамиз”³.

Маълумки, инсон ҳаётининг ривожланиши, унинг саломатлиги, унумли меҳнат қилиш қобилияти аввало, истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларига, унинг тўйимлилиги ва турли хил минералларга бой эканлигига чамбарчас боғлиқ. Ушбу боғлиқлик мамлакатда доимий равишда озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти масаласининг бирламчи аҳамиятини назарда тутган ҳолда халқнинг кундан-кунга ошиб бораётган эҳтиёжларини мунтазам қондириб боришини тақозо қиласди. Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида давлат, иқтисодий тараққиёт шарт-шароитларидан келиб чиқиб ўзининг озиқ-овқат сиёсатини олиб боради.

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатини самарали ривожлантириш, юқори қўшилган қийматга эга бўлган сифатли ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва турларини кенгайтириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш юзасидан ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Мамлакатимизда миллий иқтисодиёт

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 29 декабрь.

барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улушкини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш” мақсади белгилаб берилди. Бу борада озиқ-овқат саноатини трансформациялаш, бозор талабла-рига мувофиқ унинг самарадорлигини ошириш, бозор механизмига кўра бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини амалга оширишда, жумладан давлат акция пакетларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришга қўшимча инвестициялар ва янги технологияларни киритишда бозор ракобатига мувофиқ меҳнат натижадорлигини таъминлаш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Озиқ-овқат саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг энг йирик ва анъанавий тармоқларидан бири бўлиб, мазкур тармоқ миллий иқтисодиёт ривожланиши учун алоҳида ўринга эга.

Озиқ-овқат саноатининг ўрни ва аҳамияти унинг инсон ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариши билан изоҳланади. Озиқ-овқат саноати мамлакат умумий саноатининг таркибий қисми ҳисобланиб, бу бир томондан мазкур тармоқ иқтисодиётининг энг асосий тармоқларидан бири эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан, агросаноат мажмуининг тугалловчи бўғини ва асоси эканлигини билдиради.

Аҳолини узлуксиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосининг ечими республика озиқ-овқат саноати тармоқларининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилишини талаб этади. Бугунги кунда Ўзбекистон анъаналарга бой, миллий иқтисодиётда муҳим мавқени эгаллайдиган замонавий озиқ-овқат саноатига эга. Саноатнинг ушбу йўналиши, асосан маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга асосланган. Озиқ-овқат саноати бир-бирига боғланган кўплаб тармоқларни ўз ичига олади ва уларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашга асослангандир.

Бугунги кунгача озиқ-овқат саноатининг ривожланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида кўплаб илмий қарашлар билдирилган.

Жумладан, жаҳон озиқ-овқат ташкилотининг эътирофига кўра, “Озиқ-овқат саноатининг ўрни ва аҳамияти унинг инсон ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариши билан

изоҳланади. Инсон ҳаёти ва унинг цивилизацияси нуқтаи-назаридан барча бошқа тармоқлар унга хизмат кўрсатиши ва иккинчи даражали бўлиши керак⁴.

БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) томонидан таъкидланишича, “озиқ-овқат саноати миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари билан бирга ривожланади. Мазкур тармоқлар бир-бiri билан чамбарчас боғлиқ. Озиқ-овқат саноати ривожланиш даражасининг ортиши қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун имконият яратади, бошқа томондан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ортиши кўпгина тармоқлар сингари озиқ-овқат саноати учун ҳам қулай имкониятларни яратади ва аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг асоси бўлиб хизмат қиласди”⁵.

Америкалик иқтисодчи олимлар Д.Конуэй ва Э.Барберлар “ҳар қандай шароитда мамлакат аҳолисини озиқ-овқат истеъмоли билан таъминлаш унинг фаол турмуш тарзини кафолатлади”⁶ дея эътироф этишади.

Россиялик олима В.И. Нечаеванинг фикрига кўра, “Озиқ-овқат саноати иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири саналиб, ушбу тармоқнинг ривожланиши иқтисодиётга катта имкониятлар яратади, қишлоқ хўжалиги унумдорлиги ортишини таъминлайди, кўшимча иш ўринлари яратади, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қиласди. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва истеъмолчилар яшаш шароитининг яхшиланиши мазкур соҳанинг диверсификацияси учун янги имкониятлар яратади”⁷.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим А.Ортиков “Озиқ-овқат саноати асосан ҳом ашёни қайта ишлашга асосланган, унинг корхоналарида гўшт ва гўшт маҳсулотлари, ёғ-мой, сут ва сут маҳсулотлари, шакар, нон ва нон маҳсулотлари, макарон, мева-сабзавот консервалари, қандолат, чой қадоқлаш, узум ва шампан виноси, спирт, ароқ, пиво, чанқоқбосар ичимликлар, тамаки, совун

⁴ FAO, IFAD, UNICEF, WFP and WHO. 2020. The State of Food Security and Nutrition in the World 2020. Transforming food systems for affordable healthy diets. Rome, FAO. <https://doi.org/10.4060/ca9692en>.

⁵ БМТ FAO ташкилотининг баркарор озиқ-овқат ишлаб чиқаришни ошириш бўйича стратегик ишлари <http://www.fao.org>.

⁶ Conway G., Barber E. After the Green Revolution. Sustainable Agriculture for Development-London. 1990–60 р.

⁷ В.И. Нечаева. Концепция развития пищевой и перерабатывающей промышленности Российской Федерации на период до 2020 года – Кр.: Просвещение-ЮГ, 2011. – 306 с.

ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кўплаб саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда”⁸ – деб эътироф этади.

Профессор Н. Махмудовнинг фикрича, “Озиқ-овқат саноатининг кўпгина тармоқлари мамлакатнинг барча иқтисодий худудларида, бир қатор тармоқлар эса муайян худудларда жойлашади. Булар қандолат, ун-ёрма, макарон маҳсулотлари саноатидир. Ноң ва алкоголсиз ичимликлар саноати ҳар бир аҳоли пунктида жойлаштирилиши лозим. Озиқ-овқат саноатини жойлаштириш кўпроқ истеъмол омилига қараб амалга оширилади (бу маҳсулотлар ҳам барча учун ва ҳар доим зарур). Шунингдек, уларнинг транспортда ташиш имкониятлари, сифатининг бузилмаслиги ҳам инобатга олинади”⁹.

Н.Зиявитдинованинг қайд этишича, “Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш аҳолининг талабидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Бу эса ҳом ашё базасининг мавжудлиги, иқлим шароити, иссиқлик, энергия, меҳнат ресурслари, географик жойлашуви, бозор ҳажми, қолаверса аҳолининг эҳтиёжи, харид қобилияти билан боғлиқдир. Шунинг учун, озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш мажмуасини жаҳон стандартларига мослаштиришда тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, унинг ҳудудий ва ҳалқаро тармоқ таркибини шакллантириш нуқтаи-назаридан қайта ислоҳ килиш лозим”¹⁰.

С.Туробжоновнинг эътироф этишича, “Озиқ-овқат саноати корхоналари таркиби жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлиб, маълум бир ҳом ашёдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Бу саноат мажмууга тегишли жараёнларни, тайёрланган маҳсулотларнинг таркибий жиҳатдан бир-бирига ўхшашлигини эътиборга олиб” озиқ-овқат саноати таркибий қисмининг тузилишини кичик тизимларга бўлиб ўрганиш зарур”¹¹.

Озиқ-овқат саноатида трансформация жараёнларини амалга оширишнинг таркибий қисми сифатида озиқ-овқат хавфсизлиги

⁸ Ортиков А. Саноат иқтисодиёти. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамгармаси наприёти, 2004. 23-б.

⁹ Махмудов Н.М., Хомидов С.О. Ўзбекистон саноати: ривожланиш омиллари, тенденцияси ва муаммолари. Монография. - Т.: Иқтисодиёт, 2017- 30 б.

¹⁰ Зиявитдинова Н.М. «Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолияти иқтисодий самарадорлигини ошириши» (Бухоро вилоятине мисолида) иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиши учун диссертация автореферати. Бухоро-2006 й. 12 б.

¹¹ Туробжонов С.М ва бошқалар. «Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати: қисқача тарихи; ривожланиш истиқболлари; муаммолари» – Т.: «Фан ва технология», 2014, 410 б.

масаласини илмий асослаш ва унинг жамият тараққиёти, аҳоли турмуш фаровонлигидаги ролини ёритиш бўйича олимлар томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Улар томонидан озиқ-овқат хавфсизлиги меъёрий ҳаёт тарзини ўтказиш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳолининг асосий қисмини таъминлаш даражасини билдириши, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар соғлиқ учун безаарлигини таъминлаган ҳолда аҳолини озиқ-овқатга бўлган талабини тўла қондириш, истеъмол ва захираларни яратиш, мамлакат фуқароларини ҳаётий зарур ва фойдали маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини керакли миқдорда таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиди¹².

Бир гурӯҳ олимлар минтақанинг озиқ-овқат хавфсизлиги минтақа даражасида ҳал қилинадиган вазифаларга, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мавжуд салоҳият ва имкониятларга, озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш ва импортга қарамликни камайтиришга боғлиқлигини кўрсатишидади¹³.

Россиялик олим Д.В.Зеркаловнинг “Озиқ-овқат хавфсизлиги” номли монографиясида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари жаҳон тарихий жараёнларида кўплаб амалий таҳлиллар келтирилган. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сув ресурсларининг XXI асрга бориб танқислиги юзага келиши ҳамда бу глобал иқтисодий муаммога айланиши ҳақида кўплаб расмий статистик материаллар таҳлили олиб борилган¹⁴.

Иқтисодчи олим Л. Ревенко ўзининг “Озиқ-овқат хавфсизлиги: ечимини топиш имкони мавжуд” номли илмий мақолосида жаҳон саҳнасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича асосан ташқи оқимлар, яъни мамлакатлар салоҳиятига боғлиқ ҳолда тақсимлаш масаласини кўтариб чиқади¹⁵.

¹² Серова Е.В. К вопросу о продовольственной безопасности. – <http://www.iet.ru/>; Балабанов В.С., Борисенко Продовольственной безопасности: международные и внутренние аспекты. – М.: Экономика, 2002. С.22.; Безопасность России. Раздел 2/Фролов К.В., Гордеев А.В., Масленникова О.А. и др.– М.: Знание, 2001.С.101.

¹³ Кудряшова А.А., Пресняковалар О.П. Продовольственной безопасности: показатели, критерии, категории и масштабы. // Ж. Пиццевая промышленность. – М.: 2007. № 8. С. 18-21.; Каламбет А. О продовольственной безопасности России. - <http://www.armiavn.ru/>; Ленчевский И.Ю. О некоторых аспектах продовольственной безопасности // Ж. Достижение науки и техники АПК. – М. 2003. №1. С. 6-9.

¹⁴ Зеркалов Д.В. Продовольственная безопасность [Электронный ресурс]: Монография / Д.В. Зеркалов.– Электрон. данные. – К. : Основа, 2009.

¹⁵ Лилия Ревенко. Продовольственная безопасность: решение возможно.

Тадқиқ қилинаётган муаммонинг айрим томонлари Ўзбекистонлик олимлар Х.Абулқосимов ва Т.Расуловлар томонидан ўрганилиб, уларнинг таъкидлашича, “озик-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди”¹⁶.

Бизнинг фикримизча, озиқ-овқат саноати – иқтисодиётнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган тармоқларидан бири бўлиб, инсонлар турмуш кечириши учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бир қаторда ишлаб чиқарувчи саноатнинг бир қисми сифатида аҳолини иш билан таъминлаш ва даромад-ларини оширишнинг манбай ҳисобланади. Мазкур тадқиқотда биз озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини тармоқда трансфор-мация жараёнларини амалга ошириш орқали уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш нуқтаи-назаридан ўргандик.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон саломатлиги ва умрининг узоқ бўлишининг 70 %и унинг овқатланиш ва ҳаёт тарзига, 20 % и тиббий хизмат ҳолатига ва 10% и унинг ҳаётий туғма кўрсаткичларига боғлиқ. Қайд этилган ушбу маълумотлар инсон умрини узайтиришда ва саломатлигининг ҳолатини яхшилашда озиқ-овқат маҳсулотлари ва уни ишлаб чиқарувчи саноатнинг аҳамияти юқори эканлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини тақдим этади.

Хорижлик олимларининг башоратига кўра, озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиқ муаммоси яқин келажакда дунёда, биринчи рақами долзарб масалага айланиши мумкин. Бирлашган миллатлар ташкилотининг прогнозида таъкидланишича, очликдан ташқари, тўхтовсиз ўсиб бораётган одамлар сони истеъмол қилаётган озиқ-овқат миқдори ва сифатини пасайтиришига олиб келмоқда. 2 млрд. киши ёки дунё аҳолисининг 25,9 фоизи очликни бошдан кечирди ёки 2019 йилда тўйимли ва етарлича озиқ-овқат олиш имконига эга бўлмаган. Агар биз зудлик билан ҳаракат қиласақ, бу вазият ёмонлашиши мумкин ва бу истиқболда озиқ-овқат танқислигининг кучайишига олиб келади¹⁷.

¹⁶ Абулқосимов Х.П., Расулов Т.С. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўллари. Рисола. - Т., "Fan va texnologiya", 2015.

¹⁷ FAO, IFAD, UNICEF, WFP and WHO. 2020. The State of Food Security and Nutrition in the World 2020. Transforming food systems for affordable healthy diets. Rome, FAO. <https://doi.org/10.4060/ca9692en>

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминланганлигининг энг умумлашган кўрсаткичи БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (FAO) тавсияси бўйича ҳар бир киши суткалик овқатланиш рационининг калория миқдори ҳисобланади. Ҳозирги даврда озиқ-овқат маҳсулотларини ўртacha суткалик истеъмол килиш даражаси Европа Иттифоқи мамлакатларида 3390, АҚШда – 3650, Лотин Америкасида – 2790, ривожланётган Осиёда – 2650 ккални ташкил этади. Суткалик овқатланиш рациони Ўзбекистонда ўртacha 2700 – 2800 ккал. Суткалик овқатланиш калориялилиги даражасини ошириш, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва ҳалқ фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқдир¹⁸.

Жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан кўриш мумкинки, озиқ-овқат саноатини қишлоқ хўжалигисиз ривожлантириб бўлмайди. Бу икки тармоқ ўртасидаги алоқа вертикал интеграция ёки агросаноат интеграцияси жараёни бўлиб, борган сари чукурлашиб боради. Гўшт, сут, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар истеъмолчи дастурхонига тушишдан олдин саноатда ишловдан ўтади. Бу объектив жараён ҳисобланади.

Жаҳондаги кўпгина давлатлардаги озиқ-овқат саноатида бугунги кунда жуда кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарда фаолият юритмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар ишлаб чиқариш ўсишини самарали таъминлайди, бундай корхоналар арzon ишчи кучидан (махсус малакага эга бўлмаган) фойдаланиш имкониятига эга бўлади ҳамда бундай ишлаб чиқаришга катта миқдордаги молиявий ресурсларни жалб қилиш талаб этилмайди.

Озиқ-овқат саноати корхоналари таркибида ёғ-мой комбинатлари, ёғ-экстракция заводлари, ҳар бир вилоят худудида донни қайта ишлаш корхоналари, нон заводлари, консерва заводлари, макарон ишлаб чиқариш корхоналари, қандолатчилик фабрикалари, сут комбинатлари, гўшт комбинатлари, ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Озиқ-овқат саноати корхоналари бир томондан инсонларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ҳамда истеъмол буюмларига бўлган шахсий эҳтиёжларини қондиурса, иккинчи томондан эса баъзи саноат тармоқлари ва чорвачилик тармогининг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиради.

¹⁸ Туробжонов С.М ва бошқалар. «Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати: қисқача тарихи; ривожланиш истиқболлари; муаммолари» – Т.: «Фан ва технология», 2014, 410 б.

Ўзбекистон Республикаси замонавий озиқ-овқат саноатига эга бўлиб, унинг таркибига кирувчи 3800 дан ортиқ корхоналар мавжуд бўлиб, ушбу соҳа, асосан, маҳаллий ҳом ашёни қайта ишлашга асосланган. Озиқ-овқат саноати корхоналарида 200 дан ортиқ маҳсулот тури тайёрланади¹⁹.

Мамлакатимизда аҳолини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, истеъмол товарларининг оммавий тарзда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон қарорининг амалиётга татбиқ этилишига кўмаклашиш ҳамда экспорт-импорт фаолияти билан шуғулланувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни мазкур қарорнинг ижросини таъминлашга кенгроқ жалб этиш мақсадида Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси ташкил этилди. Мазкур ташкилот замонавий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясини тўлақонли механизациялаш ҳамда маҳаллий миқёсда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини четга экспорт қилишга кўмаклашади. Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси бугунги кунда 2500 дан ортиқ корхоналарни қамраб олади.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг мақсадлари куйидагилар иборат²⁰:

- озиқ-овқат саноатини ривожлантириши;
- хусусий сектор фаолиятини қўллаб-куvvatлаши;
- маҳаллий тадбиркорларнинг хорижий инвесторлар билан шартномалар тузишига кўмаклашиши;
- қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳајсмини ошириши;
- мамлакат озиқ-овқат маҳсулотларининг чет давлатларга катта масштабдаги экпортини амалга оширишини таъминлаши.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг вазифалари сифатида куйидагилар белгиланди:

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни илмий жиҳатдан тасдиқланган меъёрлар бўйича етарли миқдорда ва ассортиментда тайёрланишини ҳамда истеъмол товарлари сифатининг аҳоли саломатлиги учун хавфсизлик стандартларига мувофиқлигини таъминлаш ва бошқалар.

¹⁹ QOMUS INFO. Onlayn ensiklopediya

²⁰ Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг расмий сайти маълумотлари.